

ХЎЖАНДИЙНИНГ «ЛАТОФАТНОМА» АСАРИ ҲАҚИДА

XIV асрнинг иккичи ярми ва XV асрнинг биринчи чорагида яшаб ижод этган, ўзининг «Латофатнома» асари билан ўзбек адабиётини ривожлантиришга кайта ҳисса қўшган шоирларнинг бири Хўжандийдир. Шоирнинг биографияси, туғилган ва вафот этган илини ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Тахаллусидан Хўжанддан эканлиги билинади.

Хўжандийнинг «Латофатнома»си XV аср бошларида (1411 йиллар) Xразмда ҳукмронлик қилган Темурнинг авлодларидан бири Султон Маҳмудга бағишиланган.

Шуни таъкидлаш керакки, бу асарда Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»сидагиdek ҳар бир номадан сўнг ғазал келтирилмайди, фард, қитъя ва мўножотлар ҳам йўқ.

«Латофатнома» асари маснавий формасида (аа, бб...) ёзилган ва қофилянган.

Асарда ишлатилган бадиий тасвирлаш воситалари, усуслари эса традицион формага эга. Шоир ўзининг барча имконияти ва маҳоратини бу асарда ишга соглан.

Бизгача «Латофатнома»нинг 4 нусхаси етиб келган. Унинг 2 таси Кобул кутубхонасининг музейида, бир нусхаси Истамбулда ва яна бири эса Британия музейида сақланади. Қўлёзма ҳижрй 893 (мелодий 1488) йилда кўчирилган бўлиб, 313 байтдан иборат.

«Латофатнома» асарининг Кобулда сақланётган уйғур ёзуви даги тексти фотонусхаси асосида ҳамда Истамбул ва Лондондаги текстларининг фотонусхаларидан фойдаланилган ҳолда унинг транскрипциядаги тексти 1980 йилда Тошкентда турколог олим Э. Фоэзилов томонидан тайёрланниб, нашр этилди.

Шунингдек, бу асарининг Британиядаги фотонусхасидан айрим парчалар «Ўзбек адабиётиси» 4 томлигининг I-китобида ҳам нашр этилган.

Бу тўпламга кирган «Латофатнома» асари эса ҳозирги ўзбек ёзувида тўла ҳолда биринчи марта нашр этилмоқда.

ЛАТОФАТНОМА

...Саҳар вақтинда ким султони ховар,
Жамолиндин жаҳон бўлди мунаввар.

Олиб найза иликга хусрави Чин,
Ҳабаш султонини қавди жаҳондин.

Шаҳи машриқ алам оламға урди,
Сипоҳи занги қўрқуб юз ёшурди.

Чиқарди эрса шоҳ ҳанжар белиндин,
Ҳабаш султони қочти Рум элиндин.

Сипоҳи турк бўлдиса сипоҳи,
Азимат тутти ҳиндулар сипоҳи.

Хуруси субҳдам фаръёд ғашурди,
Кечак зоҳи юмуртқасин ёшурди.

Тафаккурда турур эрдим саҳаргоҳ,
Эшиктин бир жувоне кирди ногоҳ.

Фироқ ўтинда бағри пора бўлғон,
Элиндин ишқ учун овора бўлғон.

Анингким ишқи йўқ андин не ҳосил,
Севар жононасиз жондин не ҳосил.

Анингким бир севар жонони йўқтур,
Ҳақиқат бил танида жони йўқтур.

Не билсун текма нодон ишқбози,
Ҳақиқат бўлмаса бори мажози.

Люрай сўз ичинда ул бағоят,
Не бўлгай қилсангиз бизга иноят.

Сени шоир деб айтурлар халойик
Сўзунгдин тухфа келтур бизга лойик

Тиларман сендин эй кони малоҳат,
Ки берсанг сўз билан жонимға роҳат.

Муҳаббат жомидин ичсанг шаробе,
Муҳаббат номага айсанг жавобе.

Қабул эттим қабулият йўқ эркан,
Фасод олди салоҳият йўқ эркан.

Боқиб сўз шоҳидининг юзин очтим,
Бошиға дурру жавҳар, инжу сочтим.

Тафаккур баҳриға боттим ҳижобсиз,
Чиқардим дурру жавҳар кўп ҳисобсиз.

Риёзат баҳриға солдим ўзумни,
Иборат сийкина торттим сўзумни.

Тилимда сўз, элимда ҳома бўлди,
Латофатнома ҳам ўн нома бўлди.

Табиаттин чиқардим назми бисъёр,
Ажунда бўлмадим эдгу ҳаридор.

Сўзум чун дона дурнодон не билсун,
Бало одам тилини ҳайвон не билсун.

Хирад айтурмана тархона боргил,
Салотин сарвари султона боргил.

Маони бир бадантек руҳи уадур,
Қамури шоирлариңг мадҳири уадур.

Жамоли бирла жонинг тоза бўлсун,
Шоҳим оти баланд өвоза бўлсун.

Ўзум бирла ўзум андеша қилдим,
Шахим мадҳу дуосин пеша қилдим.

Аё фахри салотин шоҳи даврон,
Замона мафхари Маҳмуд тархон.

Ажун фахри шаҳаншоҳи замона,
Сифоти савлатинг тўлди жаҳона.

Зиҳи соҳибқирон арслон юраклик,
Маони мажлиси ичра кўруклик.

Саҳоват бобида чун Ҳотами-тай,
Шизкоат мулкида чун Қовусу Кай.

Қиличинг ҳайбатидин Рустами Зол,
Қилибдур дунёда гўр ичра инзол.

Жаҳон тинди сенинг адлинг кучундин,
Ешин яшнар қиличининг учиндин.

Саҳоват мулкида соҳибқадамсен,
Латофат маъданни кони карамсен.

Бегим адлинг қамуғ оламға тўлди,
Кўёш янглиғ сифотинг жилва бўлди.

Жамолинг аксидин хуршед олур нур,
Оting бўлди қамуғ оламда машҳур.

Булут ичра ёшунди ой юзунгдин,
Шакар сизди қамиш ичра сўзунгдин.

Қуёш юзунг кўруб ерга йиқилди,
Адоғинг туфроғини сурма қилди.

Фалак боши била эврулса минг йил,
Сенингtek қилмағай дунёда ҳосил.

Хирад шатранжини ўттунг жаҳондин,
Сенинг лутфунг била тўлди жаҳондин.

Маони ичра шоҳим қил ёрарсен,
Ажунда ҳар не қилсанг қил ярасен.

Сўз аймоқ сиз бикин доно қотинда,
Қудуқ қазмоқ эрур даръё қотинда.

Вале мўр келтурди яроқин,
Сулаймонга чевуртканинг аёғин.

Сулаймонтек эрур жоҳу жалолинг,
Хўжандийтек заиф бўлсун чумолинг.

Асар қилса агар лутфунг жамоли,
Адоқ остинда қолмағай чўмоли.

Саховат ичра сен мингда бир эрсен,
Иноят қил Хўжандийга бирор сен.

Ҳамиша зоти покинг бор бўлсун,
Саодат, баҳту давлат ёр бўлсун.

Аё, сардафтари хубни олам,
Қамуғ мулки жаҳон сизга мусаллам.

Сен оқсан сарвари ҳусну малоҳат,
Қилибдур гамзангиз жонга жароҳат.

Олур зулфунг насимидин пари зод,
Эрам боғида йўқ сентек паризод.

Хижиль ҳуршиди тобон ой юзунгдин,
Ётур маҳмур ўлуб нарғис кўзунгдин.

Шакар лаъли лабинг боли чин оре,
Чаманинг сарвари, қаддинг чиноря.

Бегим ёғзингда сўз оре, баледур,
Сўзунгўзга жавоб оре, баледур.

Жамолингий кўруб гул тунча бўлгай,
Тор ёғзингтек магар гултунча бўлғай.

Кулар бўлсанг қишичка ёз очилур,
Сочингдин анбари соро сочишур.

Кўнгул эви жамолингдин мунаввар,
Насимидин димоғи жон муаттар.

Сана боқсан юзунгга жон кўрунур,
Лабингдин кўзларимга қон кўрунур.

Қадинг туви, юзунг фирмавс боғи,
Мунаввар чеҳрангиз жонлар чироғи.

**Хатинг эрнинг уза тўтиу шаккар,
Хижилдур тишларингдин дурру гавҳар.**

**Парилар шоҳисен ҳуснунг зиёда,
Рухунг кўрса бўлур шоҳлар пиёда.**

**Хатинг сехру сочинг сўъбони Мусо,
Лабинг иглиг кўнгулларга Масиҳо.**

**Қаро зулфунг ажаб ҳиндуйи тазвир,
Эрур фаттон кўзунг жодуйи кашмир.**

**Набот оғзинг қошинда оғзин очмаз,
Шакар эрнинг қошинда бол су ичмаз.**

**Берур зулфунг насими жонға роҳат,
Сизингтек кимда бор ҳусну малоҳат.**

**Юзунг нури урур юз таъна ойға,
Юзунгни ойға ўхшар деб ким ойға.**

**Берур шаккар сўзунг жонларға мақсуд,
Эрур лаълу лабинг ҳалвоий бедуд.**

**Сенинг зулфунг бир ўзга дин чиқарди,
Жаҳон зоҳидарин диндин чиқарди.**

**Қаро қошинг эрур байрам ҳилоли,
Кўруб шуқронга жон қурбон қилоли.**

**Қилур коғир кўзунг оламни яғмо,
Қаро менг бирла босдинг ойға тағмо.**

**Агар ғамзангга қилсанг бир ишорат,
Қилур бир дамда юз минг жонни ғорат.**

**Жаҳон хисравлари ширин сўзунгга,
Бўлуб мажнун боқа қолди юаунгга.**

**Исирғанг донаси чин муштарийдур,
Сочингфа нофайи Чин муштарийдур.**

**Юзунг кундуз бикин зулфинг шаби тор,
Сочинг чининда пинҳон мушки тотор.**

Сочинг белга етар билинса сочтек,
Сочинг чин мушку анбар соча сочтек.

Лабинг лаъли Бадахшон тишларинг дур,
Садаф оғзинг қурутған тишларинг дур.

Юзунгни ҳақ жаҳон гулзори қилди,
Юзунгни кўрдиу гул зори қилди.

Шакар нархин лабинг арzon қилибдур,
Тор оғзинг ғунча бағрин қон қилибдур.

Қилур зулфунг кўнгулларни паришон,
Лабингдин уфтанир лаълу Бадахшон.

Паримусен бу талъат бирла ё ҳур,
Уган қилсун юзунгдин чашми бад дур.

Сенинг ишқингда жон кечти бадандин,
Севукроқсен манга жону жаҳондин.

Юзунг шамъина жон парвона бўлди,
Сочинг занжирина девона бўлди.

Юзумни қилди сариқ ол яноғинг,
Қизил қоним тўкар жоду қароғинг.

Яноғинг лаълу чеҳранг барги гулдур,
Сени севмаз киши одам дегулдур.

Висолингда кеча-кундуз эвармен,
Сени севган учун жонни севармен.

Гунаҳ бўлса сени севмаклик эй ёр,
Жаҳонда бўлмағай ментек гунаҳкор.

Сени севмаз кишига жон керакмаз.
Биҳишту кавсару ризвон керакмаз.

Кўзумга хоки пойинг тўтиёдур,
Таним тупроғу ишқинг кимиёдур.

Кел, эй соқий, шароби ноб келтур,
Фақирлар кўнглини даръёб келтур.

Аё, қадди санубар, чеҳраси гул,
Хати райҳон менгизлик зулфи сунбул.

Алифтек тўғри бўйлиқ қошлари нун,
Жаҳон Лайлилари ҳуснунгға Мажнун.

Тор оғзинг миму фаттон кўзларинг сод,
Жаҳонда сиз бикин йўқ одамизод.

Ҳилолтек чеҳрангиздин кўк уза бадр,
Юзунг кундузу зулфунг лайлатулқадр.

Пари пайкар нигори сарвқомат,
Жамолингдин жаҳон ичра қиёмат.

Жамолинг чови тўлди Чину Мочин,
Уёлур зулфунгуздин нофайи Чин.

Жамолинг шуҳра бўлди шаҳр ичинда,
Туман ментек қулунг бор даҳр ичинда.

Сенинг ишқинг мени солди балоға,
Раҳим қил, эй бегим мен мубталоға.

Нигорина жафо ҳаддин ошурма,
Фироқ ўти била бағрим пишурма.

Манга сендин жафо айни вафодур,
Жафо оз бўлса ошиққа жафодур.

Шикоятму қилур ошиқ жафодин,
Ошиқларға жафо, хушроқ вафодин.

Жафодин ушбу йўлда ошиқ армаз,
Жафодин юз чевурган ошиқ эрмаз.

Лабинг лаъли эрур дардим давоси,
Бу дардимға даво мушкил балоси.

Висолинг тегмади мен бенавоға,
Шаҳаншаҳлиқ қачон тексун гадоға.

Кўнгул мулкин ҳароб этти фироқинг,
Қамуғ оламни сайд этти қароғинг.

Ғамин то маскан этти жон ичинда,
Кўнгул мустағрақ ўлди қон ичинда.

Мана сенсиз керакмаз танда жоним,
Сен оқдурсен менинг жону жаҳоним.

Кел, эй соқий, кетургил жоми Жамни,
Кеча дунъёғанимат тут бу дамни.

Сабо мендин салом ул бевафога,
Бути номеҳрубон кони жафога.

Саломимни тегур ёлғончи ёра,
Сўзи шаҳду шакар кўзи хумора.

Саломимни тегур ой юзлуғумга,
Шакар эринли ширин сўзлуғумга.

Саломимни тегур қоши ҳилола,
Саломимни тегур эрни зулола.

Айт, эй, меҳри ёлғон, бевафо ёр,
Қулуинг бўлди фироқ ўтина ағфор.

Айтқил мендин ул номеҳрубона,
Фироқ ўтини өз ёқсан бу жона.

Бегим усру унуттунг мен гадени,
Унуттунг бир соғин мен мубталони.

Не бўлдиким қуяунгдин юз эвурдунг,
Бир айғон сўзни шоҳим юз эвурдунг.

Қачон келгайсен эй сарви равоним,
Фидо бўлсун санга жону жаҳоним.

Қачон юзунг кўруб кўзум ёруғай,
Висолингдин кўзум ёши қуруғай.

Қачон ўқсулса ҳижрон можароси,
Қачон бутгай юрагимнинг яроси.

Қиши дармон топмаз ул яроға,
Лабингдин марҳаме берсанг яроға.

Манга сенсиз бегим кундуз кечадур,
Дареғо сенсизин ўмрум кечадур.

Фалак ишрат бутоғини қайирди,
Үшал күнким сени мендин айирди.

Фалак солди мени жавру жафоға,
Бўйинсуңдум ризо бердим қазоға.

Фироқ ўтиңда бағрим бўлди бирён,
Қачон бўлғай фироқинг иши бир ён.

Висолинг қадрини билмадим эй ёр,
Фироқ әлгинда ўш бўлдум гирифтор.

Ғанимат тутмайдим васлингни, эй жон,
Осиғ қилмаз ичча есам пушаймон.

Йирбек тушибум жамолингдин зарури,
Маҳол әрмиш бегим сенсиз сабурӣ.

Таоллолоҳ, бў йе ҳуснү жамол ул,
Сабур қилмоқ жамолингдин маҳол ул.

Хаёлингдин ўғон кўнглумда йўқдур,
Ироқ бўлсам ўзум кўнглум ёвуқдур.

Фироқингда жафо кўп чектим эй ёр,
Вале ҳар йиғламақнинг кўлмагӣ бор.

Не бўлғай мен гадони ёд қилсанг,
Висолинг бирла кўнглум шод қилсанг.

Кел, эй соқий, ичоли жоми тулгуни,
Вафо қилмаз яқин бир дунёйи дуй.

Аё дилбар, кел эмди ёз очилди,
Гулистон саҳнида гуллар сочилиди.

Яғиз ер кўк менғизлик бўлди хаэро,
Чаман шоҳидлари бўлди мусаффо.

Етиб келди яна фасли баҳор ул,
Дами Исодин эмди ёдгор ул.

Чечак хони урунди тахти мийно,
Қалимтек қумри гулшан тури сино.

Чаман саҳнида кўп турлук чечаклар,
Тушуб қолмиштек абрешим бечаклар.

Бинафша зулфидин анбар сочилмиш,
Кўруб гулғунчанинг оғзи очилмиш.

Мураассаъ чаҳ суйидин лола тожи,
Жавоҳир инжуга йўқ эҳтиёжи.

Эликка жоми Жам олмиш шақойик,
Эрам боғи бикин бўлмиш ҳадойик.

Гулистон қушлари ғулғул қилишур,
Яғочлар ойнаурда енг солишур.

Чин ул маъшуқу ошиқтек чибуқлар,
Бири бирини айнарда чобуқлар.

Чечак хониға наргис бирла лола,
Боши бирла тутар тун-кун пиёла.

Муғаний чанг барбат соз қилмиш.
Тараннум андалиб оғоз қилмиш.

Тараннум қилса илҳон бирла булбул,
Суроҳи қушларинг айтарки қулқул.

Ичурди жон суроҳи қулқулидин,
Гулистон тўлди қушлар ғулғулидин.

Сабо гул кўнглажини пора қилди,
Рақибларни идим овора қилди.

Кел, эй соқий, майи гулфом келтур,
Шароби арғувондин жом келтур.

Жаҳонда айшу ишрат мавсумин ёз,
Қадаҳ келтур кўнгуллар махмурин ёз.

Қароба қони бирла жони қондур,
Қароба туйди қоним қона қондур.

Гулистон ичра гул термак не хушдур,
Бегим ишқинда жон бермак не хушдур.

Қачон ўсруб қизарса ол яноқин,
Бошим ерга қўйиб ўпсам аёқин.

Бўлуб махмур сенинг усрўк кўзунгга,
Мудом ичсам боқа қолсам юзунгга.

Жаҳони бевафо елтек кечадур,
Берур додин кишиким май ичадур.

Шаробу шоҳиду чангу чағона,
Бегим, айш эт, ким ўш кечти замона.

Аё, сарви сиҳи, бўйлуқ бели қил,
Ўлодурмен фироқингда раҳим қил.

Раҳимсиз бевафо номеҳрубоним,
Фироқинг ўтида ўртанди жоним.

Унуттунг бир йўли аҳду вафони,
Фалакдинму сабақ олдинг жафони.

Сенингтек кўрмадим турфа нигоре,
Эрурсен беваволиқда диноре.

Лабинг шаккар тўкар дашномингиздян,
Киши бир журъа тотмаз жомингиздян.

Шакар эрнинг дўкон қўймис ёлавоға,
Вале тегмаз менингтек бенавоға.

Үромунг ити бизга бор бермаз,
Тилим ёнса гадоға бор бермаз.

Тавонгарсён бегим ҳусн ичра комил,
Гадоға манфаат тегмаз не ҳосил.

Ғанисен ҳусн мулкинда бағоят,
Фақирларга бирор қилрил иноят.

Нишоби ҳусиунгиз етмиш камола,
Закот бермазмусен мундоқ жамола.

Софинмазсен бирор, эй кўрка бойим,
Қаён борди эшикдин ул гадойим.

Гадо ҳолин ғани билмазму бўлур.
Фақирларға раҳим қилмазму бўлур.

Кўзум тўймаз юзунгга боқса тун-кун,
Гадонинг кўзи туймаз бўлса қорун.

Бегим неча бахил бўлсанг вафода,
Очуқдур қўлларинг элчи дуода.

Тилар бўлсанг жаҳон ичра аморат,
Фақирлар кўнглини қилғил иморат.

Ғанимат тут, бу ҳусн даврони беш кун,
Кечар дунё қани Лайлиу Мажнун.

Бадал қил шодига дунё ғамини,
Ғанимат тут йигитлик мавсумини.

Машшат бирла ғам ўтин ўчурғил,
Кечар дунёда беш кун хуш кечурғил.

Мудаббат бирла ўсруб ишларингни,
Ғани қилғил бегим дарвешларингни.

Замона бевафодур такя қилма,
Бу куниги яхши ишни тоңғға қўйма.

Фалакнинг гардишидин бўлма ғофил,
Пушаймон бўлғасен охир не ҳосил.

Жафо ҳаддин ошурма қулларингға,
Чечаксен раҳм қил булбулларингға.

Кўнгул экингга бол эрнинг даводур,
Раҳим қил ким Хўжандий бенаводур.

Кел, эй соқий шароби арғувон бер,
Кўнгулдин ғам кетар жонға равон бер.

Аё, қадди санубар, энги лола,
Нигори маҳвashi мушкин кулола.

Юзунг гул оразинг чин настариндур,
Жамолингдин қамуғ олам чамандур.

Шақойиқ бағри қон ол энгларингдин,
Куяр анбар ўт ичра менгларингдин.

Қаро зулфунг ичинда чин кўрармен,
Хато йўқдур бу сўзда чин кўрармен.

Юзунгтек гул Эрам боғида бутмаз,
Нетук қилғай кишининг илги етмаз.

Суман кўрса анинг нозук танини,
Қабо қилғай равон пироҳанини.

Қўзунгни кўрса наргис хира қолғай,
Бўлуб ўсрук бошини ерга чолғай.

Саҳар гулғунчаким оламға кулди,
Тор оғзингни кўруб гул фўнча бўлди.

Тор оғзинг шаккар эрнинг шаҳди фойик,
Сўзунгдин эл билур турлук дақойиқ.

Юзунг қоғоз, қора қошинг қаламдур,
Жамолинг чови оламда аламдур.

Қаро сочни нелук белга солурсен,
Ўзунгни ҳиндӯға не тенг қилурсен.

Жамолинг шеваси жоним баҳоси,
Таним ўлса сайин жоним баҳоси.

Қўзунг ўқ отса жон ўтру тутармен,
Кишига тегмасин деб қон ютармен.

Сенинг дардинг кўнгулларнинг давоси,
Висоқинг гарди кўзлар тўтиёси.

Танинг сими юзумни қилди олтун,
Кўзу ёши ғамингда бўлди Жайҳун.

Сени севған жафодин ўзга қолмаз,
Нетук қилсун вафо хубларда бўлмаз.

Юзунгда кўрса бўлур сунъи холик,
Нетук бўлмай мунунгтек юзга ошиқ.

Сенинг ишқингда бағрим бўлди пора,
Эригай ушбу йўлда санги хора.

Ким олгай ёридин озор бўлмаз,
Сенингтек бир йўли безор бўлмаз.

Мени ишқингда асру зор қилма,
Фақирлар кўнглини озор қилма.

Қел, эй соқий, қадаҳ келтур ичолинг,
Замоне ўсрубон жондин кечолинг.

Аё, ҳусн ичра олам беназири,
Зарофат чархининг бадри мунири.

Хижилдур оразингдин нуқрайи хом,
Кунгулда зулфу холинг донау дом.

Юзунгтек гул бўлунмаз боғ ичинда,
Кўзунгдин куйди наргис доғ ичинда.

Қаро зулфунг бегим олинг узола,
Гулистонда ётур ҳинду узола.

Сөчинг белага етар орам ўруми,
Кўзунг коғир юзунг тарсойи руми.

Сочинг эулмоту эрнинг оби ҳайвон,
Не билеун қадрингизни текма нёдон.

Лабинг сарнажимай оби ҳаёт ул,
Хатинг ул, зарима қирғизда набот ул.

Қаровнг сеҳридин Ҳорут уялди,
Ўзин Бобил қудуғи ичра солди.

Кўзунгни Зухра кўрса хира қолрай,
Тўлун ой сизни кўрса ярим ўлрай.

Сени кўрса жаҳон тушгай сужудга
Адамдин келмади сентек вужудга.

**Карашманг ғорат айлар жону дилни,
Кўзунг яғмо қилур яғмо чигилни.**

**Карашманг бирла жонға ўт ёқарсен,
Кўнгулга жондин ортуқроқ ёқарсен.**

**Юзунгга неча боқсам тўйман, эй ёр,
Сени суйдум ҳақиқат қўйман, эй жон.**

**Жаҳонни ўртади ишқинг балоси,
Қамуғ олам қароқинг мубталоси.**

**Бегим ишқинг манга кўп қилди бедод,
Замона шоҳисен кимдин тилай дод.**

**Уроминг тупроғида юз менингтек,
Бор ул тупроқда қўйған юз менингтек.**

**Ёмон кўз бўлмасун ҳуснунгга мойил,
Қўлумни бўйнунга қилсан ҳамойил.**

**Нечук йўқ бўйла ишқинг жон ичинда,
Бўйлур ганжи равон вайрон ичинда.**

**Биҳамдуллоҳ хаёлинг кина тутмаз,
Бирор чоғда сўрар бизни унутмаз.**

**Хаёлинг келдиса жондин ўтар ғам,
Хаёлингни топан жондин қўпар ғам.**

**Неча бўлсан йироқ, эй дўст, сиздин,
Хаёлинг хөли эрмаз кўнглумиздин.**

**Хўжандий ишқингизда бўлди охир,
Рахим қилсанг бегим не бўлди охир.**

**Кел, эй соқий, кетургил жоми гулфом,
Ғанимат тут бу дамии нечти айём.**

**Ало, эй аҳди ёлғон, бевафо ёр,
Қамуғ олам сенинг ишқингда ағфор.**

**Вафосиз дилбари шўхи жафокеш,
Сенинг ишқингда шайдо шоҳи дарвеш.**

Қиё боқсанг улусни ўлтуурурсен,
Йилонсиз ич бағирни куйдуурурсен.

Қиё боқсанг қиярсен жонимизни,
Раҳим қил дидайи гирёнимизни.

Ақиқинг орзуси қилди бағир қон,
Сени севмаклик осон эрмаз, эй жон.

Үзини куч била солди балоға,
Гадоким ошиқ ўлди подшоға.

Ұлар бўлдум раҳим қилмадинг, эй жон,
Нетүк қилғай раҳимсиз бўлса жонон.

Неча ишқ ўтиға биръён бўлайин,
Равонг ўлтур мени бир ён бўлайин.

Гар ўлтурсанг ироқтур мендин эй моҳ,
Адоқингга қоним тегмасу ногоҳ.

Гар ўлтурмак тилярсан бизни ноҳақ,
Кўзунгнунг учи бирла бир қиё боқ.

Оюрлар ошиқ ўлса хун баҳосиз,
Равому ошиқ ўлса хун баҳосиз.

Ўлам маҳмур кўзунгдин бир боқа кўр,
Фаён бўлған вужудумга боқа кўр.

Зиҳи фархунда толиъ ул ким эрса,
Жамолингни кўруб жонини берса.

Мусулмонлар фифон ул ёр элингдин,
Раҳимсиз бевафо дилдор элиндни.

Вафоси йўқ жафоси жонға тегди,
Хароб айлаб кўнгулни жонга тегди.

Фалакка ётти ўш оҳим тутуни,
Танимда жондин ўзга йўқ бутуни.

Кўзумдин қоп оқадур ёшға не сан,
Уромунгнинг бошинда бошға не сан.

Сени севган киши девона бўлур,
Ўзидин бир йўли бегона бўлур.

Сенингтек дилрабо оламда йўқдур,
Менингтек мубтало оламда йўқдур.

Анингким сиз бикин дилдори бўлса,
Ғами йўқдур жаҳон ағёри бўлса.

Киминг сентек нигори бўлса, эй ёр,
Рақиблар жавридин не қайғуси бор.

Висолинг ганжи эмгаксиз бўлунмаз,
Тикансиз тулистон ҳаргиз бўлунмаз.

Чечак севган жафойи ёр тортар,
Рақиб жаврин рақиб ночор тортар.

Қел, эй соқий, бу кун мажлис қуроли,
Замони айш этиб хуш ўлтиrolи.

Аё нозик баданлар кўрки бойи,
Замона хўбларининг тўлун ойи.

Пари рухсорларниг жонидурсиз,
Қамуғ тулчехралар султонидурсиз.

Юзунг кўзгусида юз кўрса бўлмаз,
Юзунга майл этиб юз кўрса бўлмаз.

Жафоу салтанат сизга ярашур,
Вафоу масканат бизга ярашур.

Хаёлинг жонда маскан қилди кетмаз,
Гадоға мунча султонлиқ не етмаз.

Фироқ элгинда бўлдум усру ожиз,
Висолинг давлати бўлғайму ҳаргиз.

Висолинг давлатин ҳақин тилармен,
Шакар эрнингга дойим тиш бўлармен.

Фироқнингда кўзум неча тўлур ёш,
Умид бир оқибат васлинг қилур бош.

Кел, эй соқий, кетургил жоми **Жамни**,
Кечар дунё ғанимат тут бу дамни.

Аё аҳди вафосиз дилрабо ёр,
Нигори сарв қадди лоларухеор.

Алифтек түғри қаддим ё ғамингда,
Қўзумнинг чашмаси даръё ғамингда.

Қошунг нуни, кўзунг айни балодур,
Уған қилсун жамолингдин бало дур.

Тор оғзинг мушкилини ҳал қилса бўлмаз,
Лабингдин сўрмағунча билса бўлмаз.

Лабингдин белгурур оғзингда тишлар
Бўлур сўзунг била ҳал мушкил ишлар.

Лаби лаълинг сўзин эй турфа дилбар,
Шакар десам бўлур сўзум муқаррар.

Қаро менг эрнингиздин холи эрмаз,
Қўнгуллар доғидур ул холи эрмаз.

Раҳим қилмазмусен, эй бағритошим,
Ичим ёнди ғамингда куйди тошим.

Бегим сенсиз бу мискин қул не қилсун,
Чечаксиз бенаво булбул не қилсун.

Чечаксиз булбулинг иши наводур,
Ошиқлар ҳар не ким қилса раводур.

Не истарсен менинг жонимдин, эй ишқ,
Не келди бир овӯч қонимдин, эй ишқ.

Сенинг ишқинг мени девона қилди,
Муҳаббат жомига паймона қилди.

Муҳаббат жомини ул ошиқ ичгай,
Ки аввал ишқ учун жонини кечгай.

Киши жононидин жонни қиярму,
Кўрунг, боруға ҳеч отдин йўнарму?

Қиши ким жонини жононға бермаз,
Хақиқат билса бўлур ошиқ эрмаз.

Агар сен ошиқ эрсанг сўзлама ҳеч,
Фидо қил бошни-у жондин равон кеч.

Хўжандий мухтасар қилғил сўзунгни,
Ошиқларга қато кўргил ўзунгни.

Биҳамдуллоҳ иноят қилди бори,
Латофатнома охир бўлди бори.

Тилим эмгак ёпардим қон қуруттум,
Ўған қилди иноят сўз юруттум.

Латофаттин тилим ҳангома қўйдум,
Анинг отин Латофатнома қўйдум.

Китобат қилмадим беҳуда сўзлар,
Сўзумни билмаган беҳуда сўзлар.

Сўзумни билга ким бўлса сухандон,
Не билсун доно қадрин тегма нодон.

Хўжандий сўzlарин Хоразмий мискин,
Эшитса йўлли деб қилғайди таҳсин.

Фарибларнинг сўзи бўлур жигарсўз,
Фариб эрмаз Хўжандийдин фариб сўз.

Илоҳи дардима дармон қила бер,
Қамуғ душвор ишим осон қила бер.

Қамар янглиғ мунаввар қил юзумни,
Қўйштекс әлга машҳур эт сўзумни.

Қўнгуллар сиррини жаббори олам,
Сен ўқсан билгучи воллоҳу аълам.